

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил 10 январь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи ушбу суднинг судьяси Ж.Уразбаев, ҳайъат судьялари Д.Разов ва Х.Бердикличев, судья катта ёрдамчиси Б.Арисов котиблигида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори А.Ниязымбетов, судланувчи А.Калимбетов ва унинг ҳимоячилари адвокат А.Саекеев ва Б.Каипбергеновлар ҳамда жабрланувчи Н.Реймбаевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2024 йил 15 ноябрдаги ҳукми устидан судланувчи А.Калимбетовнинг адвокатлари А.Саекеев ва Б.Каипбергенов билан биргаликда берган шикоятга асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳр судининг 2024 йил 15 ноябрь кунги ҳукмига кўра,

Калимбетова Айдос Туркбенбаевич, 1989 йил 9 ноябрда Қўнғирот туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати қорақалпоқ, мукаддам судланмаган, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, ҳукм нусхасини ўзи вақтида олганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖК 59-моддасининг 2-қисми тартибида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган енгил жазони оғир жазо билан қоплаш йўли билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



Судланувчи Калимбетов Айдос Туркбенбаевич тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил колонияда ўташ белгиланиб, жазони ўташ муддати 2024 йил 15 ноябрь кунидан бошлаб ҳисобланган.

А.Калимбетовга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан қамокқа олинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи А.Калимбетов 2024 йил 5 июлдан 6 июль кунига ўтар кечаси соат 21:00 да ўзининг яшаш манзили Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уйда турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб шовқин чиқариб, бошқа фуқароларнинг тинчлигини бузган ҳолати юзасидан Нукус шаҳар ИИО ФМБ 2-сон ИИБ профилактика инспектори Реймбаев Нурлан Адилбай ўғли тинчликни сақлаш бўйича ўзига юклатилган хизмат вазифасини бажариш мақсадида шу манзилга келган вақтида, ҳокимият вакилининг ёки бошқа фуқароларнинг тинчлигини бузмаслик бўйича берган қонуний талабларига бўйсинмасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, унга пичоқ билан ҳужум қилиб, Н.Реймбаевнинг эғнида бўлган хизмат кийимини ошхона пичоғи билан кесиб, бўйин соҳасини сиқиб, Н.Реймбаевга **соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмайдиган енгил** даражадаги тан жароҳатини етказган.

А.Калимбетов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этганликда айбли деб топилган.

Бундан ташқари, А.Калимбетов жамият учун бирон-бир фойдали фаолият билан шуғулланмасдан, турмуш ўртоғи З.Айтжанованинг “102” тизимига соат 23:42 да “турмуш ўртоғи маст ҳолда шовқин чиқармоқда” деган мазмундаги мурожаатига асосан тинчликни сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзига юклатилган хизмат вазифасини бажариш мақсадида Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уйга келган Нукус шаҳар ИИО ФМБ 2-сон ИИБ профилактика инспектори Н.Реймбаев ўз хизмат вазифаларини бажараётганини била туриб, унга ҳақорат қилувчи ва номусга тегувчи сўзлар қаторига кирадиган “пошёл на ***” деган мазмундаги сўзларни айтиб, у Н.Реймбаевни ўз хизмат бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилган.

А.Калимбетов юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этганликда айбли деб топилган.

Судланувчи А.Калимбетовнинг ҳимоячилари адвокат А.Саекеев ва Б.Каипбергеновлар билан биргаликда берган шикоятда жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2024 йил 15 ноябрь кунги ҳукмидан норози эканлигини билдириб, унинг “пошёл на ***” деган сўзи қонун талабларига бўйсунмаган ҳаракатлари, яъни ЖК 219-моддасининг диспозицияси билан қоплаб олинса-да, у ноқонуний равишда ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айблангани ҳақида важлар келтириб, айбидан ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандини чиқариб, қилган қилмиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига киришини, асаб бўйича касал



эканлигини, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб, озодикдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил турдаги жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати судья Х.Бердикличевнинг маърузасини, прокурор А.Ниязимбетовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи А.Калимбетов ва унинг адвокатлари А.Саекеев ва Б.Каипбергеновларнинг шикоятни қаноатлантириб, унга озодикдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги, жабрланувчи Н.Реймбаевнинг А.Калимбетовни кечирганлиги, ишни қонуний ҳал қилишни сўраши ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоят важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман судининг ҳукмини ўзгартиришни, судланувчи А.Калимбетовнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи А.Калимбетовнинг айби жабрланувчи Н.Реймбаев ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, тиббий маълумотномалар ва мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича алкотестер кўрсаткичлари, судга оид криминалистика ва судга оид тиббиёт экспертизаларининг хулосалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг хизмат текширув хулосаси, Н.Реймбаев томонидан тақдим қилинган видеоёзувни кўздан кечириш баённомаси ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар билан ўз исботини топганлиги ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи А.Калимбетовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, судлов ҳайъати А.Калимбетовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида ва Ўзбекистон Республкаси ЖКнинг 8-моддасида ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Аниқланган ҳолатларга кўра А.Калимбетов 2024 йил 5 июлдан 6 июль кунига ўтар кечаси соат 21:00 да ўзининг яшаш манзили Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уйда турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб шовқин чиқариб, турмуш ўртоғи З.Айтжанованинг “102” тизимида соат 23:42 да “турмуш ўртоғи маст ҳолда шовқин чиқармоқда” деган мазмундаги мурожаатига асосан тинчликни сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзига юклатилган хизмат вазифасини бажариш мақсадида Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уйга келган Нукус шаҳар ИИО ФМБ 2-сон ИИБ профилактика инспектори Н.Реймбаев ўз хизмат вазифаларини бажараётганини била туриб, унга “пошёл на ***” деган мазмундаги сўзларни айтиб, ҳокимият вакилининг ёки бошқа фуқароларнинг



тинчлигини бузмаслик бўйича берган қонуний талабларига бўйсунмасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, унга пичоқ билан ҳужум қилиб, Н.Реймбаевнинг эғнида бўлган хизмат кийимини ошхона пичоғи билан кесиб, бўйин соҳасини сиқиб, Н.Реймбаевга соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмайдиган енгил даражадаги тан жароҳатини етказган.

Юқоридаги ҳолатлар хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатишни ифодаловчи Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан тўлиқ қамраб олинади.

Ҳақорат қилиш жиноятининг объекти инсон ўзга шахснинг шаъни, кажрини ҳукмат қилинишини кафолатловчи, ўз шахсининг қадрини субъектив англашини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ҳақорат қилиш жиноятининг таркиби мавжудлиги учун айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан берилаётган салбий баҳо ёлғон ёки тўғри бўлганлиги аҳамиятсиздир. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш беодоблик шаклида ифодаланганлигини аниқлаш етарлидир.

Уятсиз шаклда деганда, ҳар бир муайян ҳолатла сул томонидан белгиланадиган, жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига ва муомала маданиятига зид тарзда ифодаланган шахс билан уятсиз муомала қилиш тушунилади. Ҳақорат учун жавобгарлик масаласининг ҳал қилинишида фақатгина ҳақоратланган шахснинг реакциясидан келиб чиқиб бўлмайди. Ҳар қандан таҳқирлаш ҳақоратни ташкил этавермайди, фақатгина шаън ва кадр-қимматни таҳқирласа ва номақмул кўринишда ифодалансагина, ҳақорат қисобланиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли қарорининг 2-бандида судлар безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмиш майда безориликни бир-биридан фарқлашлари зарурлиги, майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бошқача тарзда бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланиши кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати А.Калимбетовнинг жабрланувчи Н.Реймбаевни сўкканлиги, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатган ҳаракатининг бир қисми деб ҳисоблайди ва бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан тўлиқ қамраб олинishi сабабли А.Калимбетовнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандини чиқришни ва шу модда билан ҳамда ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазони бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандига кўра, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозим.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи А.Калимбековга Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан бир мунча оғир жазо тайинланган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати А.Калиметовга нисбатан жазо тайинлашда юқорида қайд қилинган Олий суд Пленуми қарорининг талабларига риоя қилиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, у айбли деб топилаётган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлари турига киришини, жабрланувчи Н.Реймбаевнинг уни кечирганлигини инобатга олиб унга нисбатан ЖК 219-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, судлов ҳайъати А.Калимбетовга озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида тайинланган жазони ЖКнинг 13-моддаси тартибида жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган, 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-38-сонли қонун чиқарилгунга қадар тартибда тайинлашни, яшаш уйини соат 22:00дан соат 06:00га қадар чиқишни чеклаш орқали озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, қонунда белгиланган тегишли чекловларни ўрнатишни лозим топади.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида А.Калимбетовнинг 2024 йил 15 ноябрдан бошлаб қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган озодликни чеклаш жазоси муддатидан чегиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 485, 490, 497¹⁷⁻¹⁸, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2024 йил 15 ноябрдаги Калимбетов Айдос Туркбенбаевичга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

Калимбетов Айдос Туркбенбаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми, 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ҳамда ЖК 59-моддасининг 2-қисми тартибида тайинланган жазолар бекор қилинсин.

Калимбетов Айдос Туркбенбаевичнинг ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди чиқарилсин.



Калимбетов Айдос Туркбенбаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 219-моддасининг 1-қисми билан яшаш уйини соат 22:00дан соат 06:00га қадар чиқишни чеклаш орқали 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазосини Нукус шаҳар ИИБ пробация гуруҳи назорати остида ўтатирилсин.

Жазо ўташ жойи Нукус шаҳри, “Жасил бағ” МФЙ, Кўктобе кўчаси, 60-уй этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг 2024 йил 15 ноябрдан 2025 йил 10 январга қадар 56 куни қамоқда сақланган ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган озодликни чеклаш жазоси муддатидан чегирилсин ва ўташ учун 1 йил 10 ой 4 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Ижро этиш муддати маҳкум пробация бўлинмаларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Қўшимча тақиқ сифатида ИИБ розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан чиқмаслик ўрнатилиб, алкогольли ичимликларни истеъмол қилмаслик мажбурияти юклатилсин.

Калимбетов Айдос Туркбенбаевич қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоят қаноатлантирилсин.

Мазкур ажрими устидан Қорақалпоғистон Республикаси судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи	(имзо)	Ж.Уразбаев
Ҳайъат судьялари	(имзо)	Д.Разов
	(имзо)	Х.Бердикличев
Ажрим нусхаси аслига тўғри судья		Х.Бердикличев

